

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ФИЗИКА-ТЕХНИКА ФАКУЛЬТЕТИ
КАСБ-ТАЪЛИМИ (ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ СОҲА)
ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ
3-КУРС ТАЛАБАСИ МАМАДАЛИЕВА
ГУЛСАНАМНИНГ
МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИДА ТЕЖАМКОРЛИК ҲАҚИДАГИ
ТАСАВВУРЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ
МАВЗУСИДАГИ**

реферати

Наманган 2010 йил

Кириш

1.Мақтаб ўқувчиларида тежамкорлик ҳақида тасаввурни шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари.

2.Меҳнат дарсларида тежамкорлик ҳақидаги тасаввурларини ўқувчиларда шакллантиришда янги педогогик тенологиялардан фойдаланиш.

3.Меҳнат дарсларида тежамкорликни шакллантиришнинг ўйин усулларида фойдаланиш.

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар

Кириш

Мамлакатимизда бозор муносабатлари жадал ривожланиб бораётган бир даврда тежамкорлик масалалари жуда муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, мавжуд табиий ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш, улардан тежамкорлик билан фойдаланиш мамлакат иқтисодиёти учун ҳам, ўзимиз учун ҳам муҳим аҳамиятга эга эканлиги ҳақида мактаблардан бошлаб тушунчалар ҳосил қилиб бориш долзарб аҳамият касб этади. Бизга маълумки жамиятнинг мавжуд ресурсларидан тежамкорлик билан фойдаланиш катта аҳамиятга эга. Тежамкорлик давлатимизнинг иқтисодиётни бақувватлигини таъминлайди. Шунинг учун мактаб ўқувчиларида тежамкорлик ҳақидаги тасаввурларини шакллантиришда меҳнат дарсларининг алоҳида аҳамияти бор.

Бозор ислохотлари Ўзбекистон иқтисодиёти тузилмасини тубдан ўзгартириб юборди, унда мулкчилик ва ҳўжалик юритишнинг янги шакллари пайдо бўлди, янги даромад манбалари вужудга келди. Хозирда республикаимизда 3.6 млн оила мавжуд бўлиб, 27 миллиондан ортиқ кишини ташкил этади. Бундан ташқари ватанимиз заминиди Менделеев даврий системасидаги барча элементлар мавжуд. Юртимизнинг барча бойликлари нарҳи бир неча трилион долларни ташкил этади. Бу бизнинг мамлакатимиз бойликларининг катталигини билдиради. Аммо шу бойликлардан тежамкорлик билан фойдаланиш, уларни келажак авлодга қолдириш муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун мавжуд ресурслардан самарали ва тежамкорлик билан фойдаланишни ўргатиш катта аҳамият касб этади.

Хар қандай жамият кўп сонли ижтимоий иқтисодий тузилмалардан иборат бўлиб, уларнинг хар бири микро ва макроиқтисодий айланмада муайян вазифаларни бажаради.

Бугунги замонавий таълим, илғор педагогик технология янги руҳдаги ва мазмундаги педагогик тафаккур, тараққийпарвар фикр-ғояларнинг маҳсули натижасида юза келади.

Янги фикр, ғоялар ўз навбатида мавжуд муаммолар, йўл қўйилган ҳатолар ва камчиликларнинг чуқур таҳлил қилиниши натижасида пайдо булади.

Ҳозирги вақтда авторитар педагогикани инсонпарвар педагогикага айлантириш таълим соҳасининг муҳим масаласига айланиб қолди. Чунки уз даврида ҳукм сурган авторитар педагогика инсон калби, руҳияти, хис-туйғуларини ҳисобга олишдан анча четлашган эди. Бу эса уз навбатида, бола калбидага нозик хис-туйғуларнинг, кечинмаларнинг. уз-узини идрок этиш, эркин фикрлаш. табиатнинг, руҳи-ятнинг нозик кирраларини илғай олиш. улардан завкланиш, жасурлик хусусиятларининг йуқолиб боришига олиб келди.

Шунинг учун ҳам таълимни инсонпарварлаштириш орқали юзага келган мавжуд муаммоларни оқилона ҳал этиб бориш янгича ишлаш, янги педагогик тафаккурнинг асоси бўлиб қолади. Хозирда мустақил давлатимиз сиёсати ҳам шундан иборатки, бу сиёсат инсонни улкан давлат машинасининг бир мурвати эмас, балки уз ақли, уз тафаккури, уз меҳнати билан онгли тарзда озод ва хур фикрли инсон бўлиб яшаш ҳуқуқини илғари сурмоқда.

Ўз келажagini уйлаган хар бир давлат жамият ҳаётидаги шахсга тааллуқли барча ижтимоий таъсирларни инсоннинг ривожланиши учун, унинг узлигини англаши ва намоён қила олиши учун мақсадли равишда йуналтира олган бўлиши керак.

Чунки инсоннинг нафакат табиат, балки жамиятнинг ҳам ижтимоий маҳсули эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, жамиятдаги шахсга тааллуқли бўлган бурча ижтимоий муносабатлар, таъсирлар шахснинг келажакда у ёки бу маънода шаклланиб, «ижтимоийлашиб» боришига уз таъсирини курсатади. Ижтимоий таъсирларнинг асосий қурилишларидан бири бу — мактаб, таълим ва уқитувчидир. Шу жихатдан қарайдиган бўлсак ёшларни келажакда ижобий томондан ижтимоийлашиб боришларида, уларнинг маънавий қамолга етишувларида бошланғич таълим даври алоҳида урин тутати.

Маълумки, бошланғич таълим уқувчиларнинг ақлий ривожланишлари, маънавий қазилатларини ривожлантириб боришига асос яратади. Бу даврда болага тугри таъсир

курсата олиш, таълимда Унинг ривожланиш жараёнини оқилон ташкил этиш ва назорат этиш замонавий таълимнинг бош йуналиши бўлиб қолиши керак. Бериладиган билимлар воситасида шахснинг онги, тафаккури, дунёкараши ва маънавий дунёсини устириб ривожлантириб бориш — таълимда боланинг ривожланиш жараёнини ташкил этишнинг асосий қуринишларидан бири. Бунинг учун кичик ёшдан бошлаб бериладиган билимлар воситасида болаларни табиат, жамият, инсоният оламига олиб кириш, у билан боғлаш, ҳамнафас этиш, улардан тежамкорлик билан фойдаланиш, у ёки бу ходиса, ҳолатларга уз муносабатини шакллантириб боришга ёрдам бериш. шунингдек болаларда бурч, масъулият, кадр-киммат руҳини, уз-узини англаш, атрофини ураб турувчи табиат, одамларни, бошқа миллат-элатларни, улар маданияти, эътиқодини ҳурмат қилиш, уз нуктаи назарига эга бўлиш, узгалир фикрига диққат қилиш ва ҳурмат қила олиш, муҳокама, мунозара қила олиш маданияти, умуман дунёни теран англаш. маънавий-руҳий оламларини бойитиб боришга ва уз «Мен»ини намоён қила олишга пойдевор қутилиши керак.

Мактаб тежамкорлик ҳақидаги тасаввурни шакллантиришда ёш болалар турли хилдаги кизиқарли ва ҳаракатли ўйинлар орқали билишга ургатиб борилади (бу жараён-да бола билим олаётганини сезмайди. уз-узидан амалий фаолият, воситалар орқали керакли билимлар сингдирила ди). Ана шу фаолият жараёнида бола бирон бир натижага эришиши, образлар орқали тасаввур қилиш, уз қули, меҳнати билан бирор нарсаларни яратиши, ижод қилиши орқали ривожлантириб бориладиган бола уз менинги англай бошлайди ва намоён қила олади. Бунда ўқитувчи бир нар сани каттик диққат эътиборда тутиши керак бўлади: боланинг ҳар бир бажарган иши ҳеч қачон салбий баҳоланмаслиги лозим. Аксинча, шу бажарилган ишни ўқитувчи боланинг қузи билан қура олиши, қанчалик ёмон бажарилмасин унинг жуда ҳам яхши иш бажарганлигини ўқувчига айтиб, уни илҳомлантириши керак.

Педагогикада шахсни ана шундай йўллар билан ривожлантириб бориш қўзда тутилган ва шу йўллар орқали билим ва малакаларни ривожлантириб бориш бошланғич таълимнинг асосий мақсади ҳисобланади:

1. Уз-узини англаш. уз-узини идрок этиш. Уз ишига ва уртоқлари ишига баҳо бера олиш.

2. Оила, ота-она, дўстлари ҳақида фикрлай олиш. уз муносабатини ҳолисона билдира олиш.

3. Атроф-муҳитга, одам-ларга бўлган эътибор, меҳр-оқибат. Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият. Болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш халқаро Конвенция талаблари асосида боланинг уз ҳуқуқлари ва узгалир ҳуқуқлари ҳақида илк маъ-думотлар бериш ва амалий фаолиятларини ривожлантириш. узларини ва узгалир кадр-кимматини ҳурмат қилиш. уз бур-чларини англаб бориш ва «болаларнинг узлари иштирок этиш ҳуқуқлари»ни таъминлаш (баҳс, мунозара, муҳокама).

4. Инсон, табиат, жамият, экология, саломатлик ҳақида-ги билимлар ривожлантириб борилади.

5. Табиат ва жамиятдаги ўзгаришлар. узаро боғлиқликлар ҳақида илк илмий тасаввурлар ҳосил қилиш. инсон ҳақида, унинг нима учун яшаётгани ҳақида тушунчаларга эга бўлиши, одамлар табиатини қўзатиш, сабаб ва оқибатларини ажрата билиш, тежамкорлик ҳақидаги тасаввурни шакллантирилади.

Ушбу таълим мазмуни қуйидаги талаб меъёрлари билан белгиланади:

Ўқувчилар узларининг ақлий қобилиятларини, амалий фаолиятларини инсон, табиат, жамият ҳақидаги билимларини табиатда кечадиган табиий жараён ва ҳоли саларни тушуниш билан бирга англаган ҳолда ривожлантириб боришлари керак. «Қандай қилиб?», «Нима учун?», «Агар мана бундай бўлса, бу ҳолла нима бўлади?» каби саволларни бера олади-ган ва тасаввурга эга бўлишлари керак. Усимлик ва ҳайвонлар ҳам ўсиш ва яшаш учун маълум бир шарт-шароитларга муҳтож эканликларини билишлари, тирик мавжудотнинг ўхшашлик ва фарқини ажрата билишлари керак.

Мактаблардаги меҳнат дарслари тақшил этиш ва болаларни тежамкорликка ўргатишда биров мураккаб жараён ҳисобланади. Бу жараёнда ўқитувчидан маълум бир иқтисодий билим ва кўникмалар бўлишини тақозо этади.

Дарсни ташкил этиш давомида “Меҳнат”, “Ишлаб чиқариш”, “Одамлар нима учун меҳнат қиладилар?”, “Ким қаерда ишлайди? Қасб ва ҳунар, Билим нима учун керак?”, “Меҳнатнинг маҳсули, маҳсулот ва унинг турлари”, “Нима қаерда ишлаб чиқарилади?” сингари тушунчалар билан боларни таништириб бориш таълим бериш сифатини тубдан яхшилайти. Натижада болаларда дастлаб иқтисодий тушунчалар шакллана боради. Шу билан бирга олиб бориладиган мавзуларни ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши, экспортнинг юқори даражада ўсиши ва унинг натижаси, давлат бюджети, инфляция даражаси сингари тушунчаларни болаларга мос равишда тушунтириб сингдириб юборилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўқувчилар Ўзбекистон аҳолиси ўртача даромадининг ўсиши ҳақида кўпгина маълумотларга эга бўладилар. Олдинги йиллардаги ҳамда бугунги кундаги иқтисодий ривожланиш суръатларининг қиссий таҳлилини урганадилар. Шунингдек болаларни тежамкорликка ўргатишда “Оиланинг даромад манбалари: иш ҳақи, нафақа, стипендия ва бошқалар, Мулк”, “Тадбиркор кишилар”, “Тадбиркорлар қимлар?”, “Тадбиркорлар тадбиркор бўлганингизда” “Сув учун ҳақ тўлаш. Электр учун ҳақ тўлаш. Яна қандай туловларни биласиз?”, “Ўз нарсаларига ва мактаб мулкига тежамкорлик”, “Ўз қучингиз билан қавндай қурғазмали ўқув қуролларини ясай оласиз, Хўжайинлик ҳисси” сингари саволларнинг муҳоқама қилиниши шубҳасиз болалар тарбияси ва иқтисодий онгининг шаклланишига хизмат қилади. Бунда ўқувчилар мулк ва мулкдор, ҳусусий мулк ва давлат мулки, ҳусусийлаштириш, даромад турлари, бойлик ва унинг таркиби ҳақида, нормал ва реал даромадлар, иқтисодиётда ҳусусий сектор, ялпи ички маҳсулотда ҳусусий секторнинг улуши ҳақида маълумотларга эга бўладилар.

Мактаб тежамкорлик ҳақидаги тасаввурни шакллантириш моддий ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш, уларни асраб авайлаш, улардан узоқ вақт давомида фойдаланиш, уй ишларида ёрдамлашиш, оилада, мактабда моддий ресурсларни тежаш ҳақида тушунча берган ҳолда ўқувчиларни оилаларига, жамиятга ёрдам беришлари тушунтирилади.

Мактаб тежамкорлик ҳақидаги тасаввурни шакллантиришда замонавий таълимни ташкил этишга қўйиладиган муҳим талаблардан бири ортиқча руҳий ва жисмоний қуч сарф этмай, қисқа вақт ичида юқсак натижаларга эришишдир. Қисқа вақт орасида муайян назарий билимларни ўқувчиларга етказиб бериш, уларда маълум фаолият юзасидан кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш, шунингдек, таълим олувчилар фаолиятини назорат қилиш, улар томонидан эгалланган билим, кўникма ҳамда малакалар даражасини баҳолаш ўқитувчидан юқсак педагогик маҳорат ҳамда таълим жараёнига нисбатан янгича ёндашувни талаб этади.

Ҳозирги кунда мактаб тежамкорлик ҳақидаги тасаввурларини шакллантириш бўйича таълим жараёнида инновацион, педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллаш ва бу билан анъанавий таълимда ўқувчи-ўқувчиларни факат тайёр билимларни эгаллашга ўргатилган вариантлардан **фарқли** ўлароқ, замонавий технологиялар ёрдамида уларни эгаллаётган билимларини узлари қидириб топишларига, **мустақил ўрганиб**, таҳлил қилишларига ва шу билан бирга ҳулосаларни бера олишларига, таълил натижаларига бевосита баҳо бера олишларига ўргатади. Дарс жараёнида ўқитувчи шахсни ривожланиши, шаклланиши, билим олиши ва тарбияланишига шароит яратади ва шу билан бир қаторда бошқарувчилик, йўналтирувчилик вазифасини бажариши билан бирга ўқувчини ижодкорликка ўргатади.

Бугунги кунда меҳнат дарсларида янги педагогик технологияларни қўллаш бўйича бир қатор ривожланган мамлакатларда бу борада қатта тажриба тўпланган бўлиб, ушбу тажриба асосларини ташкил этувчи методлар интерфаол методлар номи билан юритилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар Вазирлиги томонидан

аккредитация қилинган ва мамлакатимизда 1996 йилдан буён фаолият олиб бораётган Очiq жамият институти (Сорос фонди) Республика таълим тизими ходимлари ўртасида интерфаол методлар ва улардан таълим жараёнини ташкил этишда фойдаланиш борасидаги назарий ва амалий билимларни тарғиб этиб келмоқда. Шу сабабли ҳам дарс жараёнларини ноанъанавий тарзда ташкил этиш, таълим технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқувчиларни қизиқишларини, қобилиятларини шакллантириш мақсадида қуйида биз Очiq жамият институти (Сорос фонди) томонидан тавсия этилаётган интерфаол методлардан бир нечтасининг моҳияти ва улардан фойдаланиш борасида сўз юритамиз.

“Ақлий ҳужум” методи муайян мавзу юзасидан берилган муаммоларни ҳал этишда кенг қўлланиладиган метод саналиб, у машғулот иштирокчиларини муаммо хусусида кенг ва ҳар томонлама фикр юритиш, шунингдек, ўз тасаввурлари ва ғояларидан ижобий фойдаланиш борасида маълум кўникма ҳамда малакаларни ҳосил қилишга рағбатлантиради. Ушбу метод ёрдамида ташкил этилган машғулотлар жараёнида ихтиёрий муаммолар юзасидан бир неча оригинал ечимларни топиш имконияти туғилади. “Ақлий ҳужум” методи танлаб олинган мавзулар доирасида маълум қадриятларни аниқлаш, айни вақтда уларга муқобил бўлган ғояларни танлаш учун шароит яратади.

Машғулотлар жараёнида “Ақлий ҳужум” методидан фойдаланишда бир неча қоидаларга амал қилиш талаб этилади. Ушбу қоидалар қуйидагилардир:

1. Машғулот иштирокчиларини муаммо доирасида кенг фикр юритишга ундаш, улар томонидан қўйилмаган мантиқий фикрларнинг билдирилишига эришиш.

2. Ҳар бир таълим олувчи томонидан билдирилаётган фикр ёки ғоялар миқдори рағбатлантирилиб борилади. Бу эса билдирилган фикрлар орасидан энг мақбуллари танлаб олишга имкон беради. Бундай ташқари фикрларнинг рағбатлантирилиши навбатдаги-янги фикр ёки ғояларнинг туғилишига олиб келади.

3. Ҳар бир таълим олувчи ўзининг шахсий фикр ёки ғояларига асосланиши ҳамда уларни ўзгартириши мумкин. Аввал билдирилган фикр (ғоя)ларни умумлаштириш, туркумлаштириш ёки уларни ўзгартириш илмий асосланган фикр (ғоя)ларнинг шаклланишига замин ҳозирлайди.

4. Машғулот жараёнида таълим олувчиларнинг ҳар қандай фаолиятларини стандарт талаблар асосида назорат қилиш, улар томонидан билдирилаётган фикрларни баҳолашга йўл қўйилмайди. Агарда уларнинг фикр (ғоя)лари баҳоланиб бориладиган бўлса, таълим олувчилар ўз диққатларини шахсий фикрларини ҳимоя қилишга қаратадилар, оқибатда улар янги фикрларни илгари сурмайдилар. Мазкур методни қўллашдан асосий мақсад таълим олувчиларни муаммо хусусида кенг ва чуқур фикр юритишга рағбатлантириш эканлигини эътибордан четда қолдирмаган ҳолда уларнинг фаолиятларини баҳолаб боришнинг ҳар қандай усулидан воз кечиш мақсадга мувофиқдир.

Машғулот жараёнида ушбу методдан самарали фойдаланиш мақсадида қуйидаги қоидаларга амал қилиш лозим:

1. Машғулот иштирокчиларининг ўзларини эркин ҳис этишларига шароит яратиб бериш.

2. Ғояларни ёзиш бориш учун ёзув тахтаси ёки варақларни тайёрлаб қўйиш.

3. Муаммо (ёки мавзу)ни аниқлаш.

4. Машғулот жараёнида амал қилиниши лозим бўлган шартларни белгилаш. Шартлар қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- а) таълим олувчилар томонидан билдирилаётган ҳар қандай ғоя баҳоланмайди;

- б) таълим олувчиларнинг мустақил фикр юритишлари, шахсий фикрларини илгари суришлари учун қулай муҳит яратилади;

- в) ғояларнинг турлича ва кўп миқдорда бўлишига аҳамият қаратилади;

- г) бошқалар томонидан билдирилаётган фикрларни ёдда сақлаш, уларнинг фикрларига таянган ҳолда янги фикрларни билдириш, билдирилган фикрлар асосида

муайян хулосаларга келиш каби ҳаракатларнинг таълим оловчилар томонидан содир этилишига эришиш.

5. Билдирилаётган ғояларни уларнинг муаллифлари томонидан асосланишига эришиш ва уларни ёзиб олиш.

6. Муайян қоғоз варақлари ғоя (ёки фикр)лар билан тўлгандан сўнг уларни ёзув тахтасига осиб қўйиш.

7. Билдирилган фикрларни янги ғоялар билан бойитиш асосида уларни қувватлаш.

8. Бошқалар томонидан билдирилган фикр (ғоя)лар устидан кулиш, уларга нисбатан кинояли шарқлар билдирилишига йўл қўймаслик.

9. Таълим оловчилар томонидан янги ғоялар билдирилиши давом этаётган экан, муаммонинг ягона тўғри ечимини эълон қилишга шошилмаслик.

”Фикрлар хужуми” (“Мозговая атака”) методи. Мазкур метод ўқувчи (ўқувчи)ларнинг машғулотлар жараёнидаги фаолликларини таъминлаш, уларни эркин фикр юритишга рағбатлантириш ҳамда бир хил фикрлашдан озод этиш, муайян мавзу юзасидан ранг-баранг ғояларни тўплаш, шунингдек, ижодий вазифаларни ҳал этиш ечиш жараёнининг дастлабки босқичида пайдо бўлган фикрларни енгилга ўргатиш учун хизмат қилади. “Фикрлар хужуми” методи А.Ф.Осборн томонидан тавсия этилган.

“Фикрлар хужуми” технологиясининг асосий тамойили ва шарти:

- машғулот (баҳс)нинг ҳар бир иштирокчиси томонидан ўртага ташланаётган фикрга нисбатан танқидни мутлақо таъқиқлаш;

- ҳар қандай лўқма ва ҳазил-мutoйибаларни рағбатлантириш;

- муаммога атрофлича ёндашишни назорат қилишдан иборатдир.

Бундан кўзланган мақсад таълим оловчиларнинг машғулот (баҳс) жараёнидаги эркин иштирокини таъминлашдир. Таълим жараёнида ушбу методдан самарали ва муваффақиятли фойдаланиш ўқитувчининг педагогик маҳорати ва тафаккур кўламининг кенглигига боғлиқ бўлади.

“Фикрлар хужуми” методидан фойдаланиш чоғида таълим оловчиларнинг сони 15 нафардан ошмаслиги мақсадга мувофиқдир. Ушбу методга асосланган машғулот бир соатга қадар ташкил этилиши мумкин.

“Фикрлар хужуми”методини иқтисодий, ижтимоий фанларни ўқитишда, маълум бир булимларни, айнан бир мавзунини мустахкамлашда ҳам қўллаш мумкин.

“Ялпи фикрлар хужуми” методи Ж.Дональд Филипс томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, уни бир неча ўн (20,-60) нафар таълим оловчилардан иборат гуруҳ (синф)ларда қўллаш мумкин. Ушбу метод таълим оловчилар томонидан янги ғояларнинг ўртага ташланиши учун шароит яратиб беришга хизмат қилади. Ҳар бири 5- ёки-6 нафар таълим оловчиларни ўз ичига олган гуруҳларга 15 дақиқа ичида ижодий ҳал этилиши лозим бўлган турли хил топшириқ ёки ижодий вазифалар берилади. Топшириқ ва ижодий вазифалар белгиланган вақт ичида ижодий ҳал этилгач, бу ҳақида гуруҳ аъзоларидан бири ахборот беради. Гуруҳ томонидан берилган ахборот (топшириқ ёки ижодий вазифанинг ечими) ўқитувчи ва бошқа гуруҳлар аъзолари томонидан муҳокама қилинади ва унга баҳо берилади. Машғулот якунида ўқитувчи берилган топшириқ ёки ижодий вазифаларнинг ечимлари орасида энг яхши ва ўзига хос деб топилган жавобларни эълон қилади. Машғулот жараёнида гуруҳ аъзоларининг фаолиятлари уларнинг иштироклари даражасига кўра баҳолаб борилади.

“Фикрларнинг шиддатли хужуми” методи Е.А.Александров томонидан асосланган ҳамда Г.Я.Буш томонидан қайта ишланган. “Фикрларнинг шиддатли хужуми” методининг моҳияти жамоа орасида муайян топшириқларни бажараётган ҳар бир таълим

олувчининг шахсий имкониятларини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш ҳамда таълим олувчиларда маълум жамоа (гуруҳ) томонидан билдирилган фикрга қарши ғояни илгари суриш лаёқатини юзага келтиришдан иборатдир. Ушбу методдан фойдаланишга асосланган машғулот бир неча босқичда ташкил этилади. Улар қуйидагилардир:

1-босқич. Руҳий жиҳатдан бир-бирига яқин бўлган таълим олувчиларни ўзида бириктирган ҳамда сон жиҳатидан тенг бўлган кичик гуруҳларни шакллантириш.

2-босқич. Гуруҳларга ҳал этиш учун топширилган вазифа ёки топшириқлар моҳиятидан келиб чиқадиган мақсадларни аниқлаш.

3-босқич. Гуруҳлар томонидан муайян ғояларнинг ишлаб чиқиши (топшириқларнинг ҳал этилиши).

4-босқич. Топшириқлар ечимларини муҳокама этиш, уларни тўғри ҳал этилганлигига кўра туркумларга ажратиш.

5-босқич. Топшириқлар ечимларини қайта туркумлаштириш, яъни, уларни тўғрилиқ даражаси, ечимни топиш учун сарфланган вақт, ечимларнинг аниқ ва равшан баён этилиши каби мезонлар асосида баҳолаш.

6-босқич. Дастлабки босқичларда топшириқлар ечимлари юзасидан билдирилган муайян танқидий мулоҳазаларни муҳокама этиш ҳамда улар борасида ягона хулосага келиш.

Аввало педагог юкорида тавсия этилган муаммоли технологияларни **қўллаш** учун ҳар бир дарс ишланмаси сифатида дарснинг технологик картасини, ўқув предмети, курси юзасидан муҳокама қилинадиган “Муаммолар занжирини” ишлаб чиқиши лозим. Бунинг учун эса ўқитувчидан юксак тафаккур, билим, ташкилотчилик қобилияти талаб этилади. Шундан кейингина юкорида келтириб утилган замонавий методлар, тренингларда **қўлланилган** технологиялар ўқувчи-ўқувчиларни танқидий, ақлий, ижодий, **мустақил** фикрлашга ўргатиш билан бирга дарсларни самарадорлигини оширишга, муаммоли вазиятларни ҳал этишни мантикий йуналишларини ишлаб чиқишга ёрдам беради.

"Кластер" методидан фойдаланиш қуйидагича амалга оширилади:

1. Ўртага ташланган масала юзасидан ниманики ўйлаган бўлсангиз, шуни қоғозга ёзинг. Фикрингизнинг сифат аҳамиятга эга эмас.
2. Ёзувингизнинг имло ёки бошқа жиҳатларига эътибор берманг.
3. Берилган муаммоларни ечиш учун 20 дақиқа муҳлат ажратилган. Сиз шу дақиқа ичида ёзишдан тўхтаманг. Ёзиш учун ғоя топа олмасангиз, қўйилган муаммолар юзасидан тасаввўрингиздаги нарсалар расмини чизинг. Бу ҳолатни янги ғоя туғилгунга қадар давом эттиринг.
4. Муайян мавзу доирасида имкон қадар кўпроқ ғояларни келтиришга ҳаракат қилинг ва улар иложи борича бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлсин. Улар орасидаги чексиз алоқаларни кўрсата олинг.

"Кластер" методи бўйича келтирилган ушбу босқичлар босиб ўтилгач, таълим олувчилар ўз-ўзидан янги мавзунини тушуниб оладилар. Чунки, бу ерда ҳамма ғояларни ўқитувчи эмас, балки ўзлари ўйлаб топадилар. Бу ерда ҳар томонлама қарашлар, ғоялар ўртага ташланади ва масаланинг ечими изланади. Ечимни топиш учун изланиш давомида янги билим ва маълумотлар, мавзуга тегишли муҳим жиҳатлар очилади, ўзлаштирилади. "Кластер" методи ўқувчиларнинг мустақил, эркин фикрлаш малакаларининг такомиллаштириш билан бирга уларнинг ижодий мушоҳада этиш салоҳиятини ҳам ривожлантиради.

Машғулот сўнгида ўқитувчи таълим олувчиларнинг ғояларини маълум хулосага келтиради ва эълон қилади. Таълим олувчиларнинг билими баҳоланади, фаол иштирокчилар рағбатлантирилади. Уйга вазифа берилади.

Янги технологиялардан фойдаланиш сўсиз ўқитувчилар технологик тафаккўрини ривожлантириш, уни таълим – тарбияга технологик ёндошувни амалга ошириш,

алгоритимлаш, стандартлаштириш, ўқувчиларни янги технологиялардан фойдаланиш шароитида ўқишга, ўргатишга тайёрланишни талаб қилади. Ўқитувчиларимизнинг кўпчилиги Янги технологияларни зўр қувонч, янги ижодий куч билан кутиб олаётганликларини таъкидлаш керак. Шундай экан Янги асир ўқитувчи – педагоги юқоридагиларни бажариш ҳамда таълим тарбия жараёнига бўлган янгича қарашларни шакллантириш ҳислатларига эга бўлиши керак. Шундагина биз аворитар педагогикадан воз кечиб, ҳамкорлик педагогикасига ўтган бўламиз.

Узлуксиз таълим тизимининг олдига қўйилган давлат ва ижтимоий буюртмага мувофиқ, олий ўқув юртлари таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини ошириш, илм-фаннинг сўнгги ютуқларини амалиётга жорий этиш орқали ижодкор, ижтимоий фаол, юксак маънавиятли, касб-ҳунарли, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбияланган, ижодий ва мустақил фикр юрита оладиган, давлат ва жамият олдига ўз бурчи ва жавобгарлигини ҳис этадиган баркамол шахсни камолга етказиш, уларнинг онги ва қалбига миллий истиқлол ғоясини сингдириш каби муҳим вазифаларни амалга ошириш назарда тутилади.

Ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш ва самарадорлигини оширишга қаратилган педагогик технологиялар уларда ижтимоий нормаларга мос онгли интизомнинг вужудга келиши, билим, кўникма ва малакаларни онгли ўзлаштиришга бўлган эҳтиёжнинг ортиб бориши билан аҳамиятлидир. Бу технологиялар жумласига дидактик ўйинли, муаммоли таълим, модулли таълим, коммуникатив таълим ва ҳамкорликда ўқитиш технологиялари киради. Шулардан дидактик ўйинли технологияларга тўхталамиз.

Таълим жараёнида дидактик ўйинли технологиялар дидактик ўйинли дарс шаклида қўлланилади. Ушбу дарсларда ўқувчиларнинг билим олиш жараёни ўйин фаолияти орқали уйғунлаштирилади. Шу сабабли ўқувчиларнинг таълим олиш фаолияти ўйин фаолияти билан уйғунлашган дарслар дидактик ўйинли дарслар деб аталади.

Инсон ҳаётида ўйин фаолияти орқали қуйидаги вазифалар амалга оширилади:

- ўйин фаолияти орқали шахснинг ўқишга, меҳнатга бўлган қизиқиши ортади;
- ўйин давомида шахснинг мулоқотга киришиши яъни, коммуникатив – мулоқот маданиятини эгаллашга ёрдам беради;
- шахснинг ўз иқтидори, қизиқиши, билими ва ўзлигини намоён этишига имкон яратади;
- ҳаётда ва ўйин жараёнида юз берадиган турли қийинчиликларни енгишга ва мўлжални тўғри олиш кўникмаларини таркиб топишига ёрдам беради;
- ўйин жараёнида ижтимоий нормаларга мос хуқ-атворни эгаллаш, камчиликларга барҳам бериш имконияти яратилади;
- шахснинг ижобий фазилатларини шакллантиришга замин тайёрлайди;
- инсоният учун аҳамиятли бўлган қадриятлар тизими, айниқса, ижтимоий, маънавий-маданий, миллий ва умуминсоний қадриятларни ўрганишга эътибор қаратилади;
- ўйин иштирокчиларида жамоавий мулоқот маданиятини ривожлантириш кўзда тутилади.

Дидактик ўйинли машғулотларни ўқувчиларнинг билим олиш ва ўйин фаолиятининг уйғунлигига қараб: сюжетли-ролли ўйинлар, ижодий ўйинлар, ишбилармонлар ўйини, конференциялар, ўйин-машқларга ажратиш мумкин.

Ўқитувчи-педагог аввал ўқувчиларни индивидуал (якка тартибдаги), сўнгра гуруҳли ўйинларга тайёрлаши ва уни ўтказиши, ўйин муваффақиятли чиққандан сўнг эса, уларни оммавий ўйинларга тайёрлаши лозим. Чунки ўқувчилар дидактик ўйинли машғулотларда фаол иштирок этишлари учун зарурий билим, кўникма ва малакаларга эга бўлишлари, бундан ташқари, гуруҳ жамоаси ўртасида ҳамкорлик, ўзаро ёрдам вужудга келиши лозим.

Ўқитувчи-педагог дидактик ўйинли машғулотларни ўтказишга қизгин тайёргарлик кўриши ва уни ўтказишда қуйидаги дидактик талабларга риоя қилиши талаб этилади:

1. Дидактик ўйинли машғулотлар дастурда қайд этилган мавзуларнинг таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсад ҳамда вазифаларини ҳал қилишга қаратилган бўлиши;

2. Жамиятдаги ва кундалик ҳаётдаги муҳим муаммоларга бағишланиб, улар ўйин давомида ҳал қилиниши;

3. Баркамол шахсни тарбиялаш тамойилларига ва шарқона одоб-ахлоқ нормаларига мос келиши;

4. Ўйин тузилиши жиҳатидан мантиқий кетма-кетликда бўлиши;

5. Машғулотлар давомида дидактик принципларга амал қилиниши ва энг кам вақт сарфланишига эришиши керак.

Ижодий ўйин машғулотларида гуруҳдаги барча ўқувчилар ҳамкорликда ишлайдилар, аввалги машғулотларда ўзлаштирган билимларини янги вазиятларда қўллайдилар. Бу эса уларда ўз билим ва иқтидорига нисбатан ишонч ҳиссини уйғотади.

ХУЛОСА

Мустақиллик йилларида Республикамизда мактаб таълим соҳасида бўлаётган ўзгаришлар янгича ўқитишга бўлган эҳтиёж тобора ортиб боришига олиб келмоқда. Бунинг натижасида дарсларда ўқувчиларни эркин фикрлашга, мустақил ишлашга ва болаларни дарс мобайнида фикрлаш доирасини кенгайтиришга катта эътибор берилмоқда. Шунинг учун мактабларда ўтиладиган ҳар битта фанни ўзлаштиришда янги педагогик технологиялар асосида ноанъанавий дарс **тўрини** ташкил қилинмоқда. Шу жумладан бошланқич синф ўқувчиларини тежамкорлик ҳақидаги фикрларини шакллантириш давомида мустақиллик ҳақидаги фикрларини ўстириш мақсадга мувофиқдир. Тежамкорликнинг давлат иқтисодиётини ривожлантиришда аҳамиятини тушунтириш керак. Ўқувчиларда тежамкорлик ҳақидаги тушунчаларни ривожлантиришда оиладан мисоллар келтириш катта натижалар беради. Оилада ҳар бир нарсдан тежамкорлик билан фойдаланиш, айниқса электр токи, сув, газдан тежамкорлик билан фойдаланиш оилага ва мамлакатимизга катта фойда келтиришини тушунтириш орқали ўқувчиларда тежамкорлик ҳақидаги тасаввурларини шакллантиришда кўпроқ ижобий натижадорга эришиш мумкин. Мактаб ўқувчиларида сув ресурсларини тежаш қандай фойда келтиришини тушунтиришда ҳар-хил видеороликлардан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Юқоридагиларга эътиборни қаратилса кўзланган мақсадга тўла эришилади..

Ҳар бир дарс учун таълимий, тарбиявий мақсад белгиланган, ана шу мақсадларга тўла эришиш учун аввало ўқитувчидан катта маҳорат талаб қилинади. Ўқитувчининг маҳорати билан ўқувчиларнинг иқтидорлари, қобилиятлари уйғунлашсагина мақсадга эришишга имкон яради.

Дарс давомида ўқувчиларнинг бир-бирлари билан муомала қила билишларини тарбиялаш, сўзлаб беришлари, исботлаш, ишонч ҳосил қилишлари учун айниқса катта аҳамият касб этади.

Кузатув ва илмий ишларидан шу нарса маълум бўлдики, қобилият даражаси ва ўзлаштириши турлича бўлган ўқувчилар учрашувга турли муносабатда бўлишар экан.

Битирув малакавий ишининг тажриба-синов натижаларидан келиб чиққан ҳолда қуйидагиларни тавсия қиламан:

1. Мактаб ўқувчиларида тежамкорлик ҳақидаги тасаввурларини шакллантиришда оила мисолида тушунтириш;
2. Ўқувчиларга тежамкорлик оила учун, мамлакатимиз учун катта фойда келтиришини тушунтириб бериш;
3. Тежамкорлик мавзусини ўқитиш давомида яхшироқ тасурот қолдириш учун мавзуга оид видеороликлардан фойдаланиш.
4. Дарс давомида интерфаол методлари “Кейс стади”, “Кластер” технологияси, “Интервью”, “Бумеранг” технологияларидан самарали фойдаланиш.
5. Мактаб ўқувчиларида тежамкорлик ҳақидаги тасаввурларини шакллантиришда дарсларда дидактик ўйинлардан кенг фойдаланиш

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси", Тошкент, Ўзбекистон. 1992.
2. Ўзбекистон Республикаси: Қонун ва Фармонлар. Тошкент "Ўзбекистон" 1992-1996 йй.
3. "Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир" Президент Ислом Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси
4. "Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси
5. " Тошкент. "Ўзбекистон", 2009 й
6. Каримов И.А "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" Тошкент. "Ўзбекистон", 2009 й
7. Каримов И.А. "Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли" Тошкент. "Ўзбекистон", 1992.
8. Каримов И.А. "Ўзбекистон: бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли", Т. "Ўзбекистон", 1993.
9. Каримов И.А. «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида». Т. Ўзбекистон. 1995.
10. Каримов И.А. «Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура». Т."Ўзбекистон", 1996.
11. Каримов И.А. «Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари». Т. "Ўзбекистон", 1997.
12. Каримов И.А. «Баркамол авлод орзуси». Т. Шарқ., 1999.
13. Каримов И.А.. «Ўзбекистон ХХІ асрга интиломда». Т. «Ўзбекистон», 1999.
14. Каримов И.А.. «Миллий истиқлол мафкураси - халқ ва буюк келажакка ишончдир». Т., «Ўзбекистон», 2000.
15. Ўзбекистон мустақил давлатининг бунёд этилиши. Т. «Ўзбекистон», 1992.
16. Жўраев Н. Агар огоҳ сен ,» Шарқ», 1998.
17. ўленов Ж.,Гофуров Э. Мустақиллик ва миллий тикланиш. Т., «Ўзбекистон», 1996.
18. Иброҳимов А., Султонов Х., Жўраев Н. Ватан туйғуси. Т. «Ўзбекистон». 1996.
19. «Мустақил Ўзбекистон тарихи». 3 жилд. «Шарқ». 2000.
20. Ғуломов С.С., Убайдуллаева Р., Аҳмедов Х. Мустақил Ўзбекистон. Т., "Меҳнат", 2001.
21. Беспалько В.П. Педагогика и прогрессивные технологии обучения. Институт проф.обр.Министерства Образования России.- М.,1995.336 с.
22. Давлатов К. Меҳнат ва касб таълими назарияси ҳамда методикаси. Тошкент. Ўқитувчи 1992 й.
23. Методика формирования трудовых умений и навыков у учащихся 5-7 классах . / Под ред. В.И.Качнева. Киев.: Радянская школа. 1989. -144 с.
24. Очилов М. Янги педагогик технологиялар. Қарши. Насаф. 2000. -118 б.
25. Сайидахмедов Н.С., Очилов А. Янги педагогик технология моҳияти ва замонавий лойиҳаси. -Т.: ХТВ РТМ. 1999.
26. Педагогика. / А.Қ.Мунавваровнинг умумий таҳрири остида.-Т.:”Ўқитувчи”, 1996. – 200 б.
27. Турсунов И.Й., Нишоналиев У.Н. Педагогика курси. Дарслик. -Т.: Ўқитувчи, 1997. - 232 б.

28. Фарберман Б.Л. Составление педагогических тестов. - Т.: ТАДИ. 1993. – 80 с.
29. Толипов Ў.Қ., Баракаев М., Шарилов Ш.С. Касбий педагогика. Т. 2001 й.
30. Изучение личности школьника учителем. // Под. ред. З. И. Васильева, Т.В.Ахаян, М.Г.Казаниной, Н.Ф.Радионовой. - М.: Педагогика,1991.-136 с.
31. Умумий урта таълимнинг давлат таълим стандарти ва ўқув дастури.
32. "Бошлангич таълим"Таълим тараққиёти.7-махсус сон.
33. Таълим тараққиёти.5-махсус сон.14-бет.54-58 бетлар.
34. "Бошлангич таълим"журнали.1-январ-февраль.2000 йил.
35. www.gov.uz
36. www.tsue.uz
37. www.uhh.hawaii.edu
38. www.ecfak.timacad.ru
39. www.admin.ru
40. www.ski.ilm.uz
41. www.stats.uz

